

**Бугуннинг
бахоналары**

"Умматымдан бир тоифаси Киёматга қадар ҳақ устида түриб, голиб бўлган ҳолларида жиҳод қилишида давом этадилар. Уларга қаршилик кўрсатувчилар ҳам, қийин пайтда ёрдамсиз қолдириб ўзини четга олганлар ҳам уларга зиён келтиrolмайди"

Росулуллоҳ соллаллоҳу алаиҳи васаллам ҳадисларидан.

بسم الله الرحمن الرحيم

БУГУННИНГ БАҲОНАЛАРИ

Муаллиф: Доктор Яҳё бин Иброҳим Ал-Яҳё

Мутаржис: Ҳасан Исмоил

Арабчадан эркин таржисима

Шеърлар таржисимони: Ҳассон ибн Собит

Оламлар Роббиси Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин! Росулларнинг энг шарафлиси пайғамбаримиз Муҳаммад ибн Абдуллоҳга, у зотнинг ахли оиласига ва асҳобларига салоту саломлар ёғилсин!

Мен ҳозир бирор илмий иш ёзишни мақсад қилганим йўқ. Бу рисолани боблар, қисмларга ҳам ажратмадим. Мақсадим, биз ҳозир турли хил даражадаги мусулмонлар ҳаётида кўп гувоҳ бўлаётган бир амалий мавзуни ўртага қўйишдир. Мазкур воқеълик ҳақида бაъзи кишилар гоҳо шикоят қилиб қоладилар, яна бошқа бирорвлар эса уни умуман ҳис ҳам қилмайдилар. Бошқа бир гурӯҳ эса шайтоннинг алдови ва фирибиға учиб, бу ҳолатни оддий табиий жараён, дея хотиржам юраверади. Мен тилга олинаётган мавзу – даъват ишидаги ҳаракатсизлик ва қолоқликнинг таърифи, турлари ҳақида сўз юритиб ўтирайман. Зоро, бу ҳақда жуда кўпчилик уламолар ёзишган ва унинг сабабларини, бартараф этиш чораларини кўрсатиб ўтишган. Менинг бу сўзларим эса факат даъват ишидан узилиб, йўл-йўлакай тўқилиб қоладиган ҳамда ўзларини оқлашга уриниб, келтираётган узрларини ўринли ва Аллоҳ ҳузурида қабул этилади, деб ҳисоб қилаётган кишилар ҳақидаги кузатишлар, мулоҳазалардан иборат ҳолос.

Мен санаб ўтган баҳоналар кузатувлар ва тахминий хулосаларга асослангандир. Албатта даъват йўлидаги кимсаларни амалдан тўхтатиб қўйган сабаб ва иллатларнинг кўпгинаси мен учун коронғу қолган бўлиши шубҳасиз.

Албатта, бир тўхтаб олиб, ўзларини ўнглаб, қатъий ва самарали ҳаракат қилиш учун куч тўплаётган, ўзларини ҳисоб-китоб қилаётган холис мўминларни юқоридаги тоифага мансуб, деб бўлмайди. Ибн Қойим ҳам тўхтаб турғанлардан бир тоифаси

ҳақида гапириб, уларнинг ўзларини ўзлари сарҳисоб қилиш ва йўлда давом этишга тайёрланиш учун тўхтаганликларини, бу тўхташ ҳам аслида харакат эканини, ишга зарар қилмаслигини таъкидлайдилар. Чунки ҳар қандай амалнинг авжига мингандиши палласи бўлади, ҳар қандай авжнинг сўнггида бир оз тин олиш бўлади, дейдилар у киши.

«Мадорижус-соликий».

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қиласидилар. «Ҳар бир нарсанинг авжи қизиган пайти бўлади. Ҳар бир авжснинг бир пасайии бўлади. Шу пайтга келганда инсон агар ўзини ўнглаб олса, ҳақ ўйлга яқинлашиша, ундан яхшиликни кутинглар. Агар уни кўрсатиб, гап қилинса ҳам у гапга қўшилманглар».

«Сунан ат-Термизий».

Абдуллоҳ ибн Амр ривоят қиласидилар. «Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Ҳар қандай амалнинг айни ривожланган палласи бўлади. Ҳар қандай ривожснинг сусайган пайти бўлади. Кимки сусайган вақтида менинг суннатимга мойил бўлса, у албатта најжот топади. Кимки бошқа томонга бурилса, албатта ҳалок бўлади».

«Муснади Аҳмад».

Яхши амаллардан четга чиқиб қолаётган, сусайиб кетаётган одамларнинг баҳоналари уларнинг шахслари, яшаш жойлари ва шарт-шароитларига қараб турлича бўлади. Қуйида шундай кишилар тарафидан эшитиш мумкин бўлган баҳоналардан кенгроқ тарқалғанлари ҳақида гапириб ўтамиш.

1. Ёши ўтиб қолганини сабаб қилиш

Баъзилар ёши ўтиб қолганини сабаб қиласиди. "Шу пайтгача килган ишларим мен учун кифоя. Энди ёшим бир жойга бориб қолди", деб диний фаолиятдан ўзини четга тортади ва дунё ташвишлари билан машғул бўлади.

Азиз биродар! Унутманг, бу муборак карвоннинг шарафли йўли ёш билан белгиланмайди. Бу йўлнинг ниҳоясига бу дунёда эмас, факат жаннатдагина етилади. Шундай экан, мўминни факат ажалгина харакатдан тўхтатади.

Ҳасан Басрий айтадилар:

— Аллоҳ таоло солиҳ амал учун ўлимдан ўзга чегара белгиламади.

Икки сахиҳ китобда Оиша розияллоҳу анҳо онамиздан ривоят

қилинади: “Варақа ибн Навфал Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга шундай деган эди: **“Қанийди, ўша құнларгача тирик бўлсам, сизга албатта ёрдам берган бўлардим!”**.

Бир фикр қилинг-а, одамлар дин учун хизмат қилишни чин юрақдан орзу қилиб, етолмай кетгандар. Варақа ибн Навфал ўзи кексайиб, кўздан ажраган, куч-кувватдан қолган эканига қарамасдан, динга хизмат қилиш, ўрни келганда яна навқирон йигит бўлиб қолишни, бор кучи, имкониятини шу муборак иш учун сарфлашни орзу қилган.

Анас розияллоҳу анху ривоят қиладилар: Абу Талҳа Ансорий “Тавба” сурасини тиловат қиларди. У Аллоҳ таолонинг:

آنفُرُوا خَفَافًا وَثِقَالًا ..

“(Эй мўминлар), **хоҳ енгил, хоҳ оғир** (яъни, ёшу қари) **холингизда** (яъни истасангиз, истамасангиз) **жиҳодга чиқингиз!...**”, деган сўзларига етганида шундай деди:

– **Парвардигоримиз бизни ёши бўлсанк ҳам, кексайсанк ҳам жиҳодга чорлаяпти. Эй болаларим, менинг сафар анжомимни ҳозирланглар!**

Шунда унинг фарзандлари айтишиди:

– **Эй отажон, Аллоҳ сизни раҳматига сазовор қилсин. Сиз Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга то у кишининг ўлимларига қадар газотларда иштирок этдингиз. Абу Бакр розияллоҳу анху билан ҳам, Умар розияллоҳу анху билан ҳам улар вафот этгунга қадар бирга жиҳод қилдингиз. Бас, энди бу ёгига мана биз жиҳод қиламиз!**

Бироқ Абу Талҳа Ансорий розияллоҳу анху ўз сўзида қаттиқ туриб олди. Ўзиллар оталарини жиҳодга ҳозирлашдан боиқа чора тополмадилар. Абу Талҳа жиҳодга кетаётib кемада вафот этди. Кемадагилар етти кун деганда бир оролга етиб боршиди ва Абу Талҳани ўша ерда дағн этишиди. Шунча кун мобайнида Абу Талҳа розияллоҳу анхунинг жасади бузилмай ўз ҳолида сақланиб турди.

И мом Аҳмад, “Зуҳд” китоби, 357-бет.

* И мом Шофеъий айтадилар: “**Бу дунёда роҳат-фарогат қидириши муруvvат аҳлига ярашимайди. Зоро, улар барча замонларда қийналиб ҳаёт кечирганлар**”.

Мұхаммад Рошид, «Рақоик», 60-бет.

Бир зоҳиоддан сўрадилар:

– Инсон Аллоҳ назари тушиган мұмінлардан бұлмоги учун нималар қилиши лозим?

– У роҳатни тарк этиб, бутун кучини Аллоҳ итоатига бағишилаши керак! Мұхаммад Рошид, «Рақоуқ», 60-бет.

Имом Аҳмаддан сўрашоди:

– Инсон қачон роҳат-фарогат мазасини тотади?

– Жаннатга биринчи қадамини қўйган чогида!

«Табақотул-ҳанобила».

Ҳузайфа розияллоҳу анхудан тирик мурдалар ҳақида сўрашганида, шундай деганди:

– Мункар ишини на қўли, на тили ва на қалби билан инкор эттмайдиган киши тирик мурдадир. «Зодул-маод».

Пайғамбарлар сийратларига ҳам бир назар ташланг. Уларнинг аксарияти рисолат вазифасини қирқ ёшлардан ўтгач қабул қилиб, то вафотларига қадар даъват йўлида тинмай ҳаракат қилғанлар.

Умар розияллоҳу анху жароҳат олиб ўлим тўшагида ётган пайтларида ҳам дин ташвиши, уммат ғамида эдилар. Ҳатто шу ҳолатларида ҳузурларига кирган бир ўспиринни почасини тўпифидан тепароққа кўтаришга буюрдилар.

2. Бутун кучи ҳамда вақтини фақат пул топишга сарфлаш

Баъзи биродарлар ўзларининг сарф-харажатлари катталигини ёки бола-чақа бокишининг қийинлигини сабаб қилиб кўрсатадилар ва ризқ Аллоҳдан эканини гўё унутадилар. Бу ташвишлар саҳобалар, тобеъинлар ва умматнинг бошқа солиҳ кишилари бошида ҳам бор эди. Аммо бу нарса уларни Аллоҳ йўлидаги ҳаракатдан тўсиб қолмади-ку?!

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганлар:

«Руҳул қудс (Жибрил) қалбимга солдики, ҳеч бир зот то ризқини тўлиқ олмагунича ҳаётдан кўз юммайди. Бас, Аллоҳдан кўрқинглар. Ризқ талабида чиройли ҳаракат қилинглар. Ризқу рўзнинг камроқ ёки секинроқ келиши сизларни маъсият – гуноҳ орқали ризқ қидиришига бошламасин. Зоро, Аллоҳ ҳузуридаги нарсага фақат унинг итоати билан эришилади».

Ибн Қоййим айтадилар: «Набий алайҳис-салом «Бас, Аллоҳдан кўрқинглар. Ризқ талабида чиройли ҳаракат қилинглар», деган сўзлари билан дунё манфаатларию охиратнинг неъмат ва

лаззатларини жам қилдилар. Чунки инсон дунё талабида юрган пайтида Аллоҳдан тақво қилган ҳолда бўлиши, қалб роҳати ва бадан соғлигини йўқотмаслиги, дунёга ҳирс қўйшидан сақланиши, ўз жонини ҳаддан ташқари қийнаб, заҳматга қўйшидан, ўзини ўтга-чўққа уришдан тия олиши осон эмас. Бунга фақат Росулуллоҳ алайҳис-салом айтганлариdek, «*Ризқ талабида чиройли ҳаракат қилиши*» билангина эришилади. Кимки Аллоҳдан тақво қилса, охират лаззати ва неъматларини қўлга киритади. Кимки, ризқ талабида чиройли ҳаракат қилса, дунёни деб азобу уқубатларга дучор бўлишидан қутиласди.

«Ал-фавоид», 43-бет.

Дунё дермиш: кимки менга қулоқ солса,
Унга айтар сирларим бор, агар олса.
Неча-неча дунёсига берилганни,
Даврим келди, деб ўзича керилганни,
Алдаб-сулдаб, тубсиз жарга йиқдим мано
Олиб бориб қаро гўрга тиқдим мано.
Бойликларни тахладилар саржин-саржин
Мен айладим ҳаммасини парчин-парчин!

* И мом Молик дедилар: “Дунё гами учун қанчалик қайгурсанг, қалбингдан ўшанча миқдорда охират гами чиқиб кетади. Охиратинг учун қанчалик қайгурсанг, қалбинг шунча миқдорда дунё гамидан фориг бўлади”. И мом Аҳмад, “Зухд” китоби.

3. Касб-кори билан, эгаллаб турган мансаб-вазифалари билан машғул бўлиб, хайрли ишларга вақт ажратмаслик

Бундайларнинг кўпчилиги "қилаётган ишим ҳам яхшилик-ку", деган фикр билан ўзларини овутадилар. Амри маъруф, нахи мункар ишига бирор хисса кўшмайдилар.

Тўғри, мансаб ҳам даъват воситаларидан бири бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бироқ, мансабдор шахс шу мақсадни амалга ошириш учун ҳаракат қилиши керак. Суфён ибн Уяйна айтадилар:

— Аллоҳ билан ўзи ўртасидаги ишларни ўнглаб олган банданинг одамлар билан бўладиган ишини Аллоҳ ўзи ўнглайди. Охирати учун елиб-югурладиган инсоннинг дунёвий ишларига Аллоҳнинг ўзи кифоя қиласди.

Ибн Таймийя, «Фатволар тўплами», 7-жузъ, 10-бет.
Демак, ҳар ким ўз охиратини ўйлаб қўлидан келганича ҳаракат
қилмоғи лозим.


* Молик ибн Динор айтади:

– *Мўминларнинг қалби яхши амаллар иштиёқи билан қайнаб
тошади. Фоҳисирлар қалби эса фисқу фужур билан лиммо-
лимдир. Аллоҳ таоло сизларнинг нималарга эътибор
бераётганингизга – ташвишларнингизга қарайди. Диққат
эътиборингиз нималарга қаратилганига аҳамият беринглар!*

4. Хайрли ишда ўзини ортиқча санаш

Бундайлар: "Мен аралашмасам ҳам, бошқалар бу ишни чиройли
адо қиляпти-ку. Уларга халал бериб нима киламан?!", дейишади.
Ажабланарлиси шундаки, дунёвий ишларда, бойлик, мол-давлат
тўплашга келганда буларнинг фикри мутлақо ўзгача. Бошқалар
дунё ишини яхши бажаряпти, мол-давлат топяпти, мен буларга
халақит бериб нима қилдим, демайди?!"

وَسَارِعُوا إِلَى مَغْفِرَةٍ مِّن رَّيْكُمْ وَجَنَّةٌ عَرَضُهَا الْسَّمَوَاتُ وَالْأَرْضُ أَعْدَتْ



"(Эй мўминлар), Парвардигорингиздан бўлғувси мағфиратга
ҳамда эни осмонлар ва Ер баробарида бўлган, тақводор зотлар
учун тайёрлаб қўйилган жаннатга ошиқингиз".

"Оли Имрон" сураси, 133-оят.

Умар розияллоҳу анҳу ҳар бир яхши ишда Абу Бакр розияллоҳу
анҳу билан мусобақа қилардилар. Улар охират ишларида ҳамиша
бир-бирларидан илдамрок бўлишга интилардилар. Аллоҳ йўлига
даъват этмоқ ҳар бир мусулмон учун вожибdir. Ушбу фарзи
кифояни ҳар ким ўзи қодир бўлган тарафдан амалга оширмоғи
лозим. Чунки Аллоҳ таоло ҳар кимга ҳар хил истеъдод ва имконият
ато этган. Қиёматда бандалар ана шу нарсаларга биноан ҳам
сўраладилар.

5. Дастур – қўлланмалар йўқлигидан шикоят қилиш

Баъзи кишилар ана шундай баҳона билан уламоларни маломат
қиладилар ва ҳамма нарсани улардан кутадилар. Аслида
биродарларимизнинг ўзларини бу тарзда оқлашлари нотўғри.

Чунки бизнинг мұхит – вазиятдан келиб чиқиб гапирадиган бўлсак, киладиган ишларимиз жуда ҳам соддалиги кўриниб қолади. Бундай вазиятда ҳар бир мусулмон ўзи яшаётган маҳалласига ёки ўзининг ишхонаси доирасига муносиб келадиган камтаргина режа, дастур тузиб ҳаракат қиласвериши мумкин.

Атрофимизда биз ҳали қилиб улгурмаган кичик-кичик ишлар шу қадар кўпки, бемалол ўн йиллар давомида ҳеч кимдан улкан лойиҳалар кутмасдан охират уйини обод қилмоғимиз мумкин. Эҳтимол, бу гаплар оддий итоат ёки озгина фидоийлик ўзимизда йўқлиги учун баҳона сифатида тўқиб чиқарилгандир.

Бундан ташқари, шу баҳонада дин ишидан ўзини четга олаётган биродарларимиз қанийди, дунё ишида ҳам шу йўлни тутсалар. Йўқ, аксинча! Уларнинг баъзилари масалан, уй қурмокчи бўлсалар, буни амалга ошириш учун бир неча йиллик улкан лойиҳаларни тузиб чиқадилар. Ёки бу мақсадларини қандай қилиб рўёбга чиқариш ҳақида бирон жўяли режалари бўлмаса ҳам, эртаю кеч тинмай шунинг ғамида югураверадилар. Аммо оддийгина диний ишларга келгандা, масалан Қуръон ўқиш, бир неча оят ёдлаш ёки ҳадис ўрганиш учун хеч бир инсон бу кишини қаноатлантирадиган режа ёки жадвал тузиб беролмайди.

6. Бошқаларни танқид қилиш билан машғул бўлиш, ҳеч бир олим ёки даъватчидан қониқмаслик

Орамизда «Фалончи дарс беришни билмайди, пистончи мақола ёзишни эплолмайди, фалон киши бошлиқ бўлишга ярамайди...» ва ҳоказо сўзлар билан овора бўладиган инсонлар бор. Шу каби бўлар-бўлмас гапларни тарқатиб юрувчи ҳаваскор танқидчилар ҳам топилади.

* Ҳасан Басрый масжидга йигилиб олиб, фақат бирорларнинг фийбати билан машғул бўлган кимсалар хусусида шундай деганлар:

– *Булар тоат-ибодатдан малолланиб, ўзлари учун енгил бўлган қуруқ гапга ўтиб олибдилар. Тақволари сусайиб, оғизларига зўр беришибди.*

* Авзоъий дедилар:

– *Мўмин киши кам гапириб, кўп амал қиласди.*

Мунофиқ эса қўп гапириб, кам амал қиласди.

«Буюк инсонлар ҳаёти», 7-жузъ, 125-бет.

Ўзгалардаги яхши сифатларни яшириб, ёмон томонларни эса кўпиртириб юрадиган кимсаларни уламолар инсонийликнинг душманлари, деб атаганлар.

* Ибн Занжи Бағдодий айтади:

Халқ ичра кезарлар кирлар қидириб,
Жами ёмонликни йиғиб, сидириб.
Айбингни билсалар, ёярлар фақат,
Хислатинг кўмарлар, қиломай тоқат.
Нуқсонинг топсалар, сайраб, чўқирлар,
Тополмай қолсалар, ёлғон тўқирлар.

«Оқиллар гулшани», 178-бет.

* Абу Хурайра розияллоҳу анху дейдилар:

– *Бировларнинг қўзидағи кичкина چўпни илгайсизлар-у, ўз кўзингизда турган каттакон тўнкани кўрмайсизлар.*

* Шоир айтади:

Ўзингнинг айбингга узр топасан,
Айбдорни кўрсанг, дарҳол қопасан.

7. «Фақат мен эканми, ана фалончилар ҳам юрибди-ку!»

Баъзи бировлар Аллоҳ йўлида харакат қилмай юрган ёлғиз ўзи эмаслигини кўриб: "Мана, бир ўзим эмасман-ку", деб ўзларича баҳона топган бўлишади ва жим ўтирган таникли шахсларни мисол қилиб келтиришади. Бундай биродар эртага қабрда фақат ўзи ёлғиз ётишини, Қиёматда ҳам ўзи алоҳида тирилишини ва Аллоҳ ҳузурида ёлғиз туришини ёддан чиқармаслиги керак. Ҳозир бизга баҳона бўлаётган важлар у даҳшатли мақомларда ҳаргиз жонимизга оро кирмайди.

فَيَوْمَ يُنْفَعُ الَّذِينَ ظَلَمُوا مَعَذِرَتُهُمْ

"У кунда золимларга узр-баҳоналари фойда бермас...".

"Рум" сураси, 57-оятдан.

Охират сафари учун озука ғамлаш илинжида ақлли ва тақволи одамлар кунни тунга улаб елиб-югураётган бир пайтда саноқли кунларини ҳам беҳуда ўтказмоқ оқил кишининг иши эмас.

* Иброҳим Ҳарбий айтади:

“Мен имом Аҳмад билан ийгири маңда үйләдим да қишин-ёзин, иссигу совуқда, кечең күнде бирга юрдим. Шунча пайт ичидә орада бирон күн үттәдик, имом Аҳмад аввалги кунига қарағанда күпроқ амал қылмаган бўлса”.

Ибн Жавзий, «Маноқиби Аҳмад», 140-бет.

* Хаммод ибн Салама айтади:

– Биз қачон Сулаймон Таймий олдига Аллоҳга ибодат қилинадиган пайтда борган бўлсан, уни албатта Аллоҳ штоатида кўрардик. Намоз вақтида борган бўлсан, албатта жойнамоз устидаги топардик, бошқа пайтларда уни ё таҳорат олаётган ёки бир касални қўриб келаётган ёхуд жанозадан қайтаётган ёки масжидда зикр қилиб үтирган ҳолатида учратардик. Биз Сулаймон Таймийни Аллоҳга маъсият қилиши нима эканлигини ҳам билмаса керак, деб ўйлардик.

* Жарир ибн Абдулҳамид айтади:

– Сулаймон Таймий ҳар соатда албатта бирон нарса садақа қиларди. Агар садақа қилгани ҳеч нарса топа олмаса, икки ракаат намоз ўқирди.

8. Ҳаддан ташқари нозик табиатлилик, танқидни кўтара олмаслик

Кимлардир бирорвонинг гап сўзини, танқидини кўтаролмайди ёхуд маломатини ёқтирилмайди. Агар шундай ҳолатга дуч келиб қолса, дарров таъсирланиб, амалдан тўхтайди. Бундайлар ишни бузиб кўйишдан кўрқадилар ёки ўзларини танқиддан юқори, деб биладилар. Ўзларини шундай мақомга эришган, деб хисоблайдиларки, энди уларни танқид қилиш мумкин эмас.

* Умар розияллоҳу анҳу айтардилар:

– Бизга айбларимизни кўрсатган кишини Аллоҳ раҳматига олсин.

Ҳазрат Умар розияллоҳу анҳу қаердалару бу киши қаерда?!

* Машҳур халифа Умар ибн Абдулазиз ўз ходими Музоҳимга шундай дердилар:

Одатда ҳокимлар авом ҳалқни кузатиб юриши учун маҳсус "кўзлар – жоссуслар" тайин қилишаади. Мен сени ўзимга кузатувчи "кўз" этиб тайинладим. Токи, мендан бирон номаъқул сўз эшиитсанг ёки ўзинг ёқтиримаган амални кўрсанг, дарҳол насиҳат қилиб мени қайтаргин!

Иbn Кутайба, «Уюнул ахбор», 2-жузъ, 18-бет.

* Билол ибн Саъд биродарига айтарди:

– Мўмин мўминга ойна, дейдилар. Сиз менинг қайси ишимни нотўғри, деб биласиз?

* Маймун ибн Мехрон шундай дер эди:

– *Менга айтсангиз хуши келмайди, деб ўйлаган нарсаларни ҳам юзимга айтинглар.* Чунки киши биродарининг юзига у ёқтиримайдиган нарсасини очик айтмагунича унга насиҳат қилган бўлмайди.

* Олимлардан бири айтади:

– Оқил инсон ўз фикрига олимларнинг ҳам фикрини қўшмоғи, ақлига ҳикмат эгаларининг ақлини ҳам жам этмоғи лозим. Чунки кишининг ёлгиз фикри кўпинча хато қиласди ва ёлгиз ақл одатда адашувчан бўлади.

9. «Менинг қилган ишимнинг қадрига етишмаяпти!»

Кимdir қилаётган амалини ҳеч ким кўрмаётганини ўйлаб харакатни тўхтатади. Гўёки у одамлар учун иш қилаётгандек тутади ўзини. Бу билан у риёга йўл очган бўлади. Зоро, чин ихлос эгалари ҳақиқий амал учун доимо одамлар кўзидан йироқ жойни азиз санаганлар ва холироқ вақтни пойлаганлар. Аммо шундай биродарлар ҳам борки, улар ўзлари қилаётган хизматларини тақдирлайдиган, эришган ютуқларига баҳо берадиган, хурматларини ўз ўрнига қўядиган бирон кимса йўқлигидан нолиб юрадилар.

* Рабиъ ибн Хайсамнинг қуидаги сўзлари нечоғлик ҳак:

– *Аллоҳ юзи учун бўлмаган ҳеч қандай иши узоқча бормайди.*

«Табақоти Ибн Саъд», 6-жузъ, 189-бет.

* Ибн Жавзий айтадилар:

– *Ниятнинг холислиги шундай бир машъалки, у инсонни ҳамиша жаннатнинг равон йўлига бошлиайди. Фақат нохолис кимсаларгина бу йўлдан адашиб, қоқилиб-сурилиб юради.*

* Жийлоний айтадилар:

– Эй фарзанд, қалбингдаги ният холис бўлмай туриб қуруқ тил билан ҳақ сари бир қадам ҳам боса олмайсан. Зоро, ҳақ сари фақат холис қалб ила юра олишинг мумкин.

Аллоҳ таоло айтади:

إِنَّمَا نُطْعِمُكُمْ لِوَجْهِ اللَّهِ لَا تُرِيدُ مِنْكُمْ جَزَاءً وَلَا شُكُورًا ﴿١﴾ إِنَّا نَخَافُ مِنْ

رَبِّنَا يَوْمًا عَبُوسًا قَمْطَرِيرًا

"Биз сизларни Аллоҳ юзи учунгина таомлантираяпмиз. Сизлардан на бир мукофот ва на миннатдорчилик кутмасмиз. Биз Роббимиздан, унга (даҳшатли азобдан) юзлар тиришиб, буришиб қолгувчи бир Кунда рўбарў бўлишдан кўрқурмиз".

"Инсон" сураси, 9-10-оятлар.

Умар ибн Абдул Азизга айтишид:

– Эй амирул мўминин, Мадинага кўчсангиз бўларди. Агар ажал етиб ўша ерда ҳаётдан кўз юмадиган бўлсангиз, Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ёнларидағи сўнгги жойга тўртингичи бўлиб дағн этилардингиз.

– Ўзимни шундай шарафга лойик, деган ҳаёл менинг қалбимдан ўтгандан кўра, Парвардигоримнинг дўзахидан бошқа барча азобларига дучор бўлганим яхшироқ, – деб жавоб бердилар халифа.

«Буюк инсонлар ҳаёти», 5-жузъ, 141-бет.

10. Ҳамма кучини пана-панада раҳбар ёки устознинг ўз ишига нолойиқ экани ҳақидаги сўзлар билан ўтказишга сарф қилиш

Бундай одам ўз раҳбарининг «замонга мос келадиган дастури йўқлиги ёки бирор янгилик пайдо қила олмаслиги, унда жамоатни бошқариш учун лаёқат етишмаслиги» ҳақида хилватда сухбат куришни хуш кўради. Агар сухбатдоши унинг бу фикрларини тасдиқлайдиган бўлса, у харакатини давом эттириб, энди бошқа одам билан шу мавзуда сухбат куришга ўтади. Ваҳоланки, унинг ўзида ўртага ташласа бўладиган бирор таклиф ёки дастур йўқ. Аммо ҳасад ё солиҳ амалдан зерикиш ёки раҳбарликка ўчлик, ўзини кўрсатишга бўлган интилиш уни мана шу кўйга солган бўлади. Ёки бўлмаса, у ёлғиз ўзи жамоатдан узилиб қолишни истамаганидан шундай ишларга кўл уради. Бундай кишилар устози олдида ўзини жуда мулойим тутади. Аммо бир-икки шериги билан холи қолса, уни ғийбат кишишга ўтади. Бу жуда ёмон иллатdir.

* Суррий ал-Бағдодий айтадилар:

Амалларни бекор қилиб, қалбларни бузиб юбориши, бандани

тезда ҳалокатга йўлиқтириши, давомли қайгу келтириши, газабни ўзига чақириши, риё, ўзига бино қўйши, раҳбарликни яхши кўриб қолиши каби баҳтсизликларга сабаб бўлишида банда ўзининг ким эканини билмаслиги ва бошқалар айбини қидиришидан ҳам кўра ёмонроқ нарса кўрмадим.

Мухаммад Рошид, «Ал-авоик», 148-бет.

* Ибн Қоййим ёзадилар:

— Шариат ҳам, ҳикмат ҳам шуни тақозо этадики, ҳасанотлари кўп бўлган ҳамда дини Ислом йўлида кўп хизматлар қилган инсон баъзи майдага хато-камчиликларга йўл қўйса, унга бошқаларга нисбатан кечиримлироқ бўлинади. Зоро, кўл ё денгиз сувига тушиган најсосат унинг поклигини кетказа олмагани сингари, бундай мўминнинг ҳасанотлари олдида ундан содир бўладиган майдага тоийлиши – хатолар қўринмай қолади. Аммо сувнинг ўзи озгина бўладиган бўлса, озгина најсосат ҳам уни нопок қилиб қўйишга кифоя қиласди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Макка фатҳига отланганларида бу ҳақда хабардор бўлган саҳобалардан бири – Хотаб ибн Абу Балтаъа Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қўшин тўплаётганлари ҳақидаги хабарни Макка мушрикларига етказишга қарор қиласди. Аммо Аллоҳ таоло Ўз пайгамбарини бу сирдан воқиғ қиласди ва у киши икки одамни жўнатиб, уларга Хотаб ёзиб берган хабарномани Маккага олиб кетаётган аёлга етиб олишини ва ундан мазкур хатни тортиб олиб, ўзларига етказишни буюрадилар. Бу хиёнат тўгрисида эшиятган барча саҳобалар газабга келишади. Умар розияллоҳу анху эса пайгамбар алайҳис-саломдан Хотабнинг калласини олишга руҳсат сўрайдилар. Шунда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Сен қайдан биласан, Аллоҳ таоло Бадрда иштирок этган барча мўминларга қаратма: "Истаган ишингизни қилаверинглар, Мен сизларни кечирдим", деб айтган-ку!", деб Умарни бундай қилишдан қайтарадилар. Қаранг, Хотаб розияллоҳу анху мусулмонлар зиёнига жосуслик қилиб, ниҳоятда катта гуноҳга қўл урди. Аммо шунга қарамасдан, бу улуг саҳобийнинг аввал қўлга киритган ҳасанотлари уни ушибу жиноят учун шариат белгилаган ўлим жазосидан тўсишга кифоя бўлди.

Дини Исломга моддий ёрдам керак бўлган чогда Росулуллоҳ

соллаллоху алайхү васаллам саҳобаларни инфоқ қилишга чакирдилар. Ўшандада Усмон розияллоху анху жуда катта молни инфоқ қилиб юбордилар. Шунда Пайгамбар алайхис-салом:

"Усмон бундан кейин нима иши қиласиган бўлса ҳам унга зиёни йўқдир!", дедилар. «Мифтоҳу дорис-саода», 1-жузъ, 176-бет.

Одам ўғлини яхши дерлар ёки ёмон,

Бироқ ким бор, ёмон хулқдан мутлақ омон?!

Бу дунёда ҳеч айби йўқ – яхши, деган

Қани айтчи, фариштадек ким бор экан?!

Кимниң агар санай олсанг нуқсонини,

Айбин ёпиб, олгин унинг сен ёнини.

11. Яхши амалларда бундан унисига беқарорлик билан кўчиб юрмоқ

Бундай сифатга эга бўлган инсон бирон ишни маҳкам ушлаб охиригача олиб боролмайди. Енгилтаклиги боис ҳеч бир хайрли ишни узоқ давом эттира олмайди. У бугун бир яхши ишнинг бошини тутса, эртага яна бошқа бир амал тепасида ҳозир бўлади. У ҳар куни янги бир амал, янги дастур, янги йўналиш топаверади. Бир хайрли ишни маълум муддат мақтаб туради-да, бир оз вақтдан кейин бошқасини афзал кўриб қолиб, буни ташлаб ўшанга ўтиб кетади. Охир-оқибат ҳамма ишни бир-бир қилиб кўргач, фаолиятдан кўнгли совиб, ўзича қўлини ювиб кўлтиққа уради. Ҳамма соҳани бир-бир тажрибадан ўтказиб чиқади ўзича. Аслида ҳар бир киши ўзига муносиб бир хайрли амални тутиб, шу ишда бардавом бўлмоғи афзалдир.

* Ибн Қойим ёзадилар:

– *Бу ерда бир нарсага қаттиқ эътибор бермоқ лозим. Баъзи амаллар маълум тоифа инсонлар учун бошқа амалларга қараганда афзалроқ бўлади. Бой-бадавлат киши агар ўзининг хасислик қилаётганини сезса, унинг учун кечалари намозда қойим, кундузлари рўзадор бўлишидан кўра садақа-эҳсонга зўр берииш афзалроқдир. Душманни зир титратадиган жасур баҳодирлар учун эса жанг майдонида бир соатгина Аллоҳ душманларига қарши жиҳод қилишилари ҳажс, рўза, закот ва турли нафл ибодатлардан афзалроқ.*

Шунингдек, суннатни яхши биладиган, ҳалол-ҳаромни

ајератадиган олимнинг халқ орасида юриб, уларга панд-насиҳат қилиши, билмаган нарсаларини ўргатишни унинг ҳеч кимга кўшилмасдан узлатга чекиниши ва вакътини фақат намоз ўқишига, Куръон тиловати ва тасбеҳларга багишилашидан кўра афзалроқдир.

«Уддатус-собирийн, 93-бет».

* Бакр ибн Абдуллоҳ айтади:

— Замонамиздаги энг илмли кишини кўришни истаганлар **Хасан Басрийга қарасинлар**. Биз ундан илмлироқ одамни кўрмадик. Замонамиздаги энг тақвадор кишини кўрмоқчи бўлганлар **Ибн Сийринга қарасинлар**. У гуноҳкор бўлишидан хавфсираб, ҳатто айрим ҳалол ишларни ҳам қилмай юради. Замонамиздаги энг обид инсонни кўрмоқчи бўлганлар **Собит Баннонийга қарасинлар**. Биз ибодатда ундан ўтадиган кишини кўрмадик. У энг қаттиқ иссиқ қунларда ҳам рўзадор юради. Замонамиздаги ёдлаши хотираси энг ўткир ва эшиятган ҳадисини сўзма-сўз аниқ айтиб берувчи кишини кўрмоқчи бўлганлар **Қатодага қарасинлар**.

Имом Аҳмад, “Зухд” китоби.

12. Устозлар, жамоатлар ва фикрлар орасида кўчиб юриш

* Умар ибн Абдул Азиз дедилар:

— Кимки ўз динини талашиб-тортишишилар майдонига олиб кирмоқчи бўлса, доимо шохдан-шохга кўчиб юради. Охири ўзи ҳам чарчаб, ҳамма яхши ишларни тарк этади, ёки шубҳа ва иккиланишилар касалига мубтало бўлади. Фикри, дунёқараши ва йўналишида барқарорлик йўқолади. Атрофидаги ҳар бир инсонга шубҳа билан қарайдиган бўлиб қолади. Демак, тўғри йўналишга риоя қилган ҳолда икки дунё яхшилигига сабаб бўлувчи солих амаллар устида сабот ва чидам билан бардавом бўлиши инсонни иккиланиши, турланиши, шохдан-шохга сакраш ва довдириашлардан сақлайди. Агар сиз ҳақ йўлда кетаётганингизни, Китобу суннатга маҳкам ёпишганингизни, солих салафларнинг йўлларига эргашган эканингизни яхши билган экансиз, энди бошқаларнинг тескари бўлиб олгани сизга зарар етказмайди, фитналар сизни заифлаштирумайди, синовлар сизни йўлдан тўхтата олмайди.

13. Холиқнинг ғазабидан кўра кўпроқ одамлар

озоридан қўрқмоқ

Бу дардга чалинганд одамнинг қўрқув ва умиди махлукларга боғланиб қолади. Бундай инсонга шайтон васвасаса қилиб айтади:

– Тинч ўтиранг-чи! Бундай ишларга аралашма! Ахир хар бир қадаминг кузатув остида, озгина ҳаракат қилишинг билан кўлга олинасан, жазоланасан!

Бундай киши қўпгина солиҳ амалларни, жумладан, амри маъруф, нахи мункарни тарк қилади. Мана шу ҳолатда давом эта бориб, охири Аллоҳнинг дини учун ҳеч қачон ғазабланмайдиган ҳам бўлиб қолади!

إِنَّمَا ذَلِكُمُ الشَّيْطَانُ تُحَوِّفُ أُولَئِاءِهُرَ فَلَا تَخَافُوهُمْ وَحَافُونَ إِنْ كُنْتُ مُؤْمِنِينَ

"Албатта, бу шайтон ўзининг дўстларини қўрқувга солади. Бас, агар мўмин бўлсанглар, улардан қўрқманглар! Мендангина қўрқинглар!" "Оли Имрон" сураси, 175-оят.

* Ибн Қоййим ёзадилар:

– Инсон ўзининг ҳам, бошқаларнинг ҳам хоҳии-ихтиёри Аллоҳ қўлида эканлигига ва У зот йўзи истаганидек тасарруф юритишига иймон келтирас экан, энди ҳеч қачон бандалардан қўрқмайди, умидвор бўлмайди ва уларни бирор нарсага истаганча эгалик қилувчилар сифатида кўрмайди. Аксинча, уларнинг ўзлари бўйсундириб кўйилган, қарам инсонлар эканликларини кўради. Уларни ўзларидан бошқа зот бошқарадиган ва хоҳлаганича тасарруф қиласидиган кишилар эканликларини англайди. Ана шундан сўнг бу инсон бутун дарду дунёсини Парвардигоридан сўрайди. Ҳеч вакт ожиз бандалар қўлига тикилмайди. Улардан қўрқиб, умидвор бўлиб юрмайди. Бундай мўминнинг тавҳиди ва таваккули комил бўлади. Ҳуд алаиҳис-саломнинг қавмига айтган сўзларини эсланг:

إِنْ تَوَكَّلْتُ عَلَى اللَّهِ رَبِّيْ وَرَبِّكُمْ مَا مِنْ دَآبَةٍ إِلَّا هُوَ أَخْدُ بِنَاصِيَّتِهَا

"Менинг ҳам, сизларнинг ҳам Парвардигорингиз (бўлмиш) Аллоҳга тавакқул этдим. Қимиirlаган жон борки, У (Аллоҳ) унинг кокилидан тутгувчиидир...". "Худ" сураси, 56-оятдан.

Агар сен Аллоҳнинг газабини келтирадиган ишни кўриб индамай кетсанг, ўзига зарар ҳам фойда ҳам етказа олмайдиган кимсадан қўрқиб, унга амри маъруф нахи мункар қилмасанг, бу

сенинг ўз нафсингдан гоғил бўлиб қолганинг ва Аллоҳдан юз ўйрганингдир. Ибнул Қойим, «Ал-жавобул-кофий», 44-бет.

Бир араб шоири бу ўринда мана бу шеърни ўқиган:

Ақл ўргатиб, айтар бутун ким кимгадир:

«Бахт-саодат сукутдадир, «жим-жим!»дадир.

Ўз уйингда тинч яшасанг, маза ҳар кун,

Муҳожири қувилганга аза ҳар кун.

Бахтинг шулдир – сен ҳаммадан кейин юрсанг,

Қадамингни аста босиб, «хўп!», деб турсанг.

Бахт изласанг, йўқ қил барча эътирозинг,

Ҳайдаб юбор ғазабингу эҳтиросинг!

Ана шунда топарсан сен баҳт қушингни

Ҳушёр бўлгин, йўқотмагин эс-ҳушингни!».

Бу сўзларга жавоб шулки, бу ҳаётмас!

Тирик инсон сен айтгандай «музлаб» ётмас.

Ҳаёт, деган машаққатдир, сўнгра роҳат.

Сенга қолса, ўлик уйқу – истироҳат.

Тирик инсон дину юртга бўлар қалқон!

Ҳур кишилар душманларни қилар толқон!

Билгил, мағлуб косасидан оқар йиринг.

Бўйин эгма, ҳимоя эт ватан, еринг,

Таслим бўлма, майли кетсин йўғу боринг

Лек кетмасин дину иймон, номус-оринг.

14. Аллоҳ таоло билан боғланишнинг сустлиги

Нафл ибодатларнинг камлиги боис ҳам киши сустлашиши мумкин. Чунки сафар озуқаси тугаб қолган мусофирининг йўли унмаслиги бор гап. Шунинг учун салафи-солиҳлар ўзларини нафл намозлар, рўзалар билан тарбиялашга катта эътибор берганлар.

* Валид ибн Муслим айтади:

– *Авзоъий жойнамозда узоқ вакт қолиб кетарди. То қуёши чиққунга қадар Аллоҳни зикр қилиб ўтиради. Айтардики: "Бу салафларнинг одати. Улар тонг отгач, бир-бирларини топиб яна Аллоҳ зикрига ва дин илмига киришардилар".*

«Буюк инсонлар ҳаёти», 7-жузъ , 114-бет.

Замра ибн Рабиья айтади:

— *Биз ҳижрий 150-йилда Авзоъий билан бирга ҳаж ж қилдик.*

Мен ҳеч қачон унинг ҷўзилиб ётганини кўрмадим. У кечаси ҳам, кундузи ҳам намоз ўқирди. Агар қовоқлари юмилиб кетса, эгарга суянарди.

«Буюк инсонлар ҳаёти», 7-жузъ, 119-бет.

* *Имом Авзоъий бутун тунни намоз, Куръон тиловати билан ва охиратни эслаганча йиглаб ўтказардилар. Онаси у кишининг ёнларига кириб, намоз ўқиган жойларини қидириб топарди. У киши намоз ўқиган ер ҳар доим туни билан тўккан кўз ёшларидан ҳўл бўлиб кетарди.*

«Буюк инсонлар ҳаёти», 7-жузъ, 120-бет.

* Ибн Журайж ривоят қиласи:

Мен ўн саккиз йил Ато ёнида юрдим. У кексайиб кучдан қолган пайтларида ҳам намозга турадиган бўлса қилт этмасдан "Бақара" сурасидан икки юз оят ўқирди.

«Буюк инсонлар ҳаёти», 5-жузъ, 87-бет.

* Нусайр ибн Заълук айтади:

— *Рабиъ ибн Хайсам йиглайвериб соқолларини ҳўл қилиб юборарди ва "Шундай одамларни ҳам кўрдикки, уларнинг ёнида биз ўзимизни бир ўгридек ҳис қиласидик", — деб айтарди.*

Имом Аҳмад, “Зуҳд” китоби, 448-449-бетлар.

15. Ўзининг қобилият ва имкониятларига мос келмайдиган ишларга киришиб кетиш

Баъзи инсон ўзига муносиб келмайдиган амалга машғул бўлади, натижада муваффақиятсизликка учрайди ва ноумид бўлганича бу амални ташлаб қўяди. Соҳасини ўзгартириб, ишини давом эттириш хакида ўлламайди.

Али ибн Аби Толиб айтадилар: «*Ҳар бир одамнинг қадри-қиммати унинг ўз ишини чироили бажара олишишададир.*

Саҳобаи киромлар қобилият ва имкониятда бир-бирларидан фарқ қиласи эдилар. Уларнинг ҳар қайсилари ўзларига мос келадиган амал билан машғул бўлардилар. Улардан бирор кишининг ҳеч бир харакат қилмай ўтиргани кўрилмас эди. Масалан, Холид ибн Валид Аллоҳнинг қиличи бўлсалар, Убай Куръонни энг кўп ўқиган киши эдилар. Ҳалол ва ҳаром масалаларини яхши биладиган олим Муоз ибн Жабал эдилар. Абу Зарр розияллоҳу анҳу даъват ишида энг буюк кишилардан

саналганлар. Фифор қабиласининг асосий қисми у кишининг кўлларида Исломга келган. Лекин шундай бўлса-да, Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хабар берганларидек, у киши амирликка муносиб келмас эдилар.

16. Ҳаётда ўзининг диний ва дунёвий ишлари ўртасида мувозанат ўрната олмаслик

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганлар: «*Сенинг устингда нафсингни ҳам, аҳли-аёлингни ҳам, ҳатто меҳмонларингни ҳам ҳаққи бор. Бас, уларнинг ҳар бирига ўз ҳақини адо этгин!».*

Баъзи мусулмонлар турли диний ишлар билан машғул бўлиб, зиммасидаги бошқа вожибот ва масъулиятларни ёддан чиқарадилар ёхуд уларга бепарволик билан қарайдилар. Шундай биродарлардан баъзилари бир кун ўйлаб қараса, ота-онасига бепарволик қилиб, уларни ташлаб кўйган бўлади. Ёки ўз оиласи ва бола-чақасига эътибор бермаган, уларга тўғри тарбия беролмаган бўлиб чиқади. Кейин ўзининг айни жиҳатларга суст қараганига диний вазифалар билан машғул бўлганини сабаб, деб ўйлайди-да, энди асосий эътиборини шуларга қаратиб, даъват ишини мутлақо четга суриб қўяди.

Аммо у барча ишларда мувозанатни сақлай олганида, диний ишлар билан машғулман, деб бошқа оилавий ишларини унутмаганида, унинг ҳам, бунинг ҳам ҳақини ўз вақтида адо этиб юрганида эди, иш бу даражага бормаган бўларди.

17. Ҳамма ишни фақат ўзи ўйлаганича бўлишини хоҳлаш

Баъзи биродарлар бир ишни қилмоқчи бўлсалар аввал уни хаёлда бир тасаввур қилиб кўрадилар-да, кейин уни ўзлари қандай тасаввур қилган бўлсалар, шундай амалга ошираман, деб ўйлайдилар. Ваҳоланки, бу ишни айнан булар ўйлаган тарзда рўёбга чиқариш имкони бўлмайди ёки уларнинг шароитида буни татбиқ этиб бўлмайди.

Хаёлда тузган режалари амалга ошмай қолгач эса, уларнинг наздида бу фикрлар етишиб бўлмайдиган узоқ орзу-хаёлга айланиси колади. Шундан кейин уларга бирон хайрли иш таклиф қилинса, аввалдаги ишларни баҳона қилиб тураверишади.

* Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анху айтадилар:

— Аллоҳ таоло қайси бир бандага яхишиликни ироди этса, уни
Үзи ўнглаб қўяди. Оқибатда, у Аллоҳдан фақат ўзига
асқотадиган нарсаларнигина сўраб, ўзи учун фойдали ишларга
қизиқади.

«Ал-иноба», 1-жузъ, 419-бет.

* Зайд ибн Али ўғлига насиҳат қилиб деди:

— Эй ўғлим, сенга тааллуқли бўлмаган ишларга қизиқавермай,
ўзингга керак амаллар талабида бўл. Чунки беҳуда нарсаларни
тарк этсангина, ўзинг учун фойдали амалларга етишасан.
Билгинки, сен эртага (Қиёмат куни) бугун қилиб улгурган
ишларингнинг олдига борасан, пайсалга солиб қолдирган
ишларингнинг олдига бормайсан. Ҳеч қачон кўрмайдиган
нарсаларни қўйиб, ўрнига эртага сен албатта кўрадиган
нарсаларга эътибор бер!

«Ал-иноба», 1-жузъ, 419-бет.

18. Амалларнинг самарасини тезроқ қўлга киритишига ошиқиши ва мақсадга етказадиган йўлнинг олислигидан бетоқатланиш

Бундай киши ўзининг аслида Аллоҳ йўлига вақф қилинганини,
У зот уни қайси ўринга ташламасин, бунга заррача аҳамият
бермасдан ўз вазифасини бажаравериши лозимлигини унугтган
одамдир. Бу киши ҳаётдаги тинимсиз саъӣ-ҳаракатлари учун
мукофот ёки олқиши кутиб ўтириши ноўрин эканини ҳали англай
оммаган бўлади.

* Фотима бинти Абдулмалик ўзининг умр йўлдоши Умар ибн
Абдул Азизни таърифлаб шундай дейди:

— Умар ибн Абдул Азиз бутун борлигини мусулмонларга,
уларнинг ташвишларига багишлаган эди. Кўпинча кун ботганда
ҳам ҳалқ ташвишидан бўшамасди. Шунда ана шу ташвишлар
билин унинг кунлари тунларга уланиб кетарди.

Умар ибн Абдул Азизнинг эски қадрдонларидан бири деди:

— Эй Умар, биз учун ҳам бир вақт ажратсангиз.
— Бўш вақт қолибдими? — дедилар Умар, — энди тиним йўқ.
Тиним-фарогат фақат Аллоҳ ҳузурида бўлади.

«Табақоти Ибн Саъд», 5-жузъ, 397-бет.

* Бир гофил Аллоҳ учун тинимсиз ҳаракат қиласидиган
обиддан сўради:
— Қачонгача ўзингни қийнайисан?

– Роҳатга етишигунча.

«Рақоик», 62-бет.

Во ажабким, умидсизлар менга дерлар:
Не ҳожатдир тўкишингга бунча терлар?!
Етиб бўлмас чўққи сари уриндинг кўп,
Қаттиқ ерга дон сепарсан, унмас бир чўп!
Дедим: менга ноумидлик бегонадир,
Уруғ мендан, ундирувчи Ягонадир!

19. Яхшилар даврасидан ажралиб қолмоқ

Солих амаллар билан машғул бўлган кишилардан узоқда қолган одам ҳавои нафс ва шайтон қуршовида қолади. Якка ўзи шайтонга қарши курашишига тўғри келади. Ҳавои нафси аммора ва шайтон биргалашиб бу инсонни енгиб қўядилар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мана бу сўзлари ҳам бежиз эмас:

“Бўри ҳам подадан ажралиб қолган жонинорни ейди”.

Салафи солихлар ҳақиқий биродарлар сухбатини Аллоҳ фарз этган намоз каби қадрлашган.

* Мұхаммад ибн Восеъ айтади:

– *Мен учун дунёда жамоат намози ва дўстлар дийдоридан ўзга суюклироқ нарса қолмади.* “Зухд” китоби, 440-бет.

* Ҳасан Басрий айтадилар:

– *Ҳаётда фақат уч нарса қолди: унинг сухбатидан сенга фақат яхшилик етадиган, йўлдан адаиссанг тўгрилаб қўядиган биродаринг. У сабабли бирорвга оғирлигинг тушмайдиган кунлик ризқинг. Намознинг хатоларини ёниб, ажерини вожиб қиласидиган жамоат намози.* «Бағдод тарихи», 6-жузъ, 99-бет.

* Ҳасан Басрий мўминни таърифлаб шундай дейдилар:

– *У ойнадир. Агар биродарида номақбул нарсани қўрса, уни ўнглаб, ҳаққа йўллаб қўяди. Ҳам ошкор, ҳам яширин тарзда уни ҳимоя қиласди.*

Кўзинг-ла қуёшу ойни кўурсан,

Кўзинг кўрмоқ бўлсанг, ойна сўурсан.

* Умар ибн Абдул Азиз айтадилар:

– *Ким биродарининг дини хусусида унга панд-насиҳат қиласа ва дунёсининг ҳам ўнгланишига эътибор берса, дарҳақиқат, биродарлик ҳақини адо қилибди.*

* Имом Шофеъий айтадилар:

– *Насиҳатимни қабул қилган кишига ҳурматим ошиди ва уни дўст, деб билдим. Панд-насиҳатимни рад қилган кимсадан кўнглим совиб, ўзимни четга тортдим.*

Аллоҳ таоло йўлдан адашган кимсаларни таърифлар экан, уларнинг панд-насиҳат қилувчиларни хуш кўрмасликларини айтади:

وَلِكُنْ لَا تُحِبُّونَ الْنَّصِيحَاتِ

«...Лекин сизлар холис насиҳат қилувчиларни яхши севмайсиз».

”Аъроф“ сураси, 79-оятдан.

20. Даъват йўлларининг барчаси тўсиб қўйилган, деган нотўғри фикрлаш оқибатида қўл қовуштириб ўтиromoқ ва янги услублар ҳақида ўйлаб кўрмаслик

Ожиз махлуклар – уларнинг ким бўлишидан қатъи назар, барча-барча даъват йўлларини, яхшилик эшикларини ёпиб қўйишга кодир, деган тушунча фақат Аллоҳ таоло хусусида ёмон гумонга борувчи кимсаларнинг хаёлига келиши мумкин холос.

يُرِيدُونَ لِيُطَفِّعُوا نُورَ اللَّهِ بِأَفْوَاهِهِمْ وَاللَّهُ مُتَّمِ نُورِهِ وَلَوْ كَرِهَ الْكَفِرُونَ

”Улар Аллоҳнинг нурини оғизлари билан ўчирамоқчи бўлурлар. Аллоҳ эса, гарчи кофиirlар истамасалар-да, Ўз нурини тўла ёйгувчиidir“. ”Саф“ сураси, 8-оят.

* Ибн Қойим ёзадилар:

– *Кофиirlар Ислом аҳли устидан тўла-тўкис ҳукмронлик қилиб туради, деган тушунчага келган киши Аллоҳ хусусида ёмон гумонга борган бўлади.*

* Ибн Жавзий айтадилар:

– *Шундай зотлар борки, уйгонгандаридан бери қўзлари уйку кўрмайди, йўлга тушганларидан бери тўхтамайдилар. Улар ҳамиша олга интиладилар. Ҳар сафар бир мақом юқорига кўтаришсалар, қуидаги нуқсонларини кўриб, Аллоҳга истигфор айтадилар!* «Сайдул-хотир», 355-бет.

Хорун Барбариy ривоят қиласи:

– *Умар ибн Абдулазиз Маймун ибн Мехронни Арабистон жазирасига хирож ва қозилик учун масъул этиб тайинлаганида*

у халифага мактуб ёзди: "Мен кучдан қолган бир чол бўлсам, сиз эса мени одамларга қози қилиб қўйдингиз!".

Умар ибн Абдул Азиз унга шундай жавоб ёздилар:

— Мен сизга оғир нарсани юклаб қўйганим йўқ. Покиза нарсалардан хироҳ йигинг. Билган масалангизга қозилик қилинг. Чалкаш масалалар дуч келса, менга жўнатинг. Агар одамлар ўзларига оғир келган ишини ташлаб кетавергандарида, дин ҳам, дунё ҳам барбод бўлган бўларди.

«Буюк инсонлар ҳаёти», 5-жузъ, 74-бет.

Баъзи инсоннинг зеҳнига даъватнинг айрим услубларигина ўрнашиб қолган бўлади. У даъват фақат маърузалар ўқиш, дарс бериш, китоб ва кассеталар тарқатишдан иборат, деб ўйлайди. Бундан бошқа йўллар ҳакида ўйлаб кўрмайди. Хулқда чиройли намуна бўлиш, яхши сўзларни гапириш, амри маъруф, нахи мункар қилиш, силаи раҳмни риоя қилиш, одамларга юмшоқ муомала қилиш ва ҳоказо оддий, аммо савобли ишларни эсидан чиқаради.

21. Мамлакатлар, шаҳарлар ўртасида кўчиб юриш ва ўзига нотаниш бўлган шароитга тушиб, довдираб қолиш

Баъзи инсон ана шундай вазиятга дуч келиб қолса, янги жойга тезда мослашиб ўша ернинг шароитига мувофиқ келадиган режа тузиб ололмайди, ақлини керакли ўринларда ишлатмайди. Биринчи куниданоқ ўзи танимаган, билмаган шароитга тўқнаш келади ва умидсизликка тушиб, амалдан тўхтаб қолади. Бу шу инсоннинг янги жойдаги қонун-қоидаларни, урф-одатларни, у ердаги одамларнинг расм-русларини ва бошқа хусусиятларини ўрганишда сусткашлик қилганидан келиб чиқади.

Баъзи одам бўлса, маълум бир шаҳарга ёпишиб қолади. Менга ўша ер афзал, деган ҳужжат билан доим ўша ерга интилиб туради, ўша ерда яшашга харакат қиласди. Вақтинча турган ерини эса у каби одамлар учун лойик келмайди, деб хисоблайди. Ўйламайдики, у ахир даъватчи ва Ислом хизматчисидир. Баъзи ҳолатларда у даъват ишларини бемалол олиб бораётган шаҳар бошқаларга қараганда афзал бўлса-да, бироқ бу мусулмон учун ундан бошқа шаҳарга бориб ишлаш зарурроқ ва авлороқ бўлиши мумкин.

* Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу айтадилар:

— Аллоҳ йўлида бир кечада жангга шай турмоқ мен учун "Қадр"

кечасида Ҳажарул асвад ёнида турмоқдан яхшироқдир.

* Ибн Таймийя ёзадилар:

— *Бинобарин, инсон қаерда Аллоҳ ва Росулига итоатлироқ бўлса, унинг учун ўша ер афзал бўлади. Бу эса вазиятга қараб ўзгариб туради. Ҳеч қандай макон инсон учун ҳамиша афзал макон бўлиб қолмайди. Инсон қаердаки тақво, тоат-ибодат ва хушуъ-хузуъда зиёда бўлса, ўша жой унинг учун энг афзал макондир.*

* Абу Дардо розияллоҳу анҳу Салмон Форсий розияллоҳу анҳуга "Муқаддас ерга келмайсизми?!", — деб мактуб йўллаганида биродари Салмон унга ушибу жавобни йўллаган эди:

— Ҳеч бир жой инсонни муқаддас қила олмайди. Кишининг амали уни азизу муқаддас қилур!

Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Салмон розияллоҳу анҳу билан Абу Дардо розияллоҳу анҳуни ака-ука тутинтирган эдилар. Салмон розияллоҳу анҳу биродари Абу Дардо розияллоҳу анҳудан фаҳиҳроқ эди. «Фатволар тўплами», 18-жуз, 283-бет.

22. Айрим мусулмонлар бировга бўйсунишни хоҳламайдилар

Баъзи кишилар раҳбарлик ва устунликни яхши кўрадилар. Улар модомики, ўзлари раҳбарлик мақомида ўтирас эканлар, даъват ишларига ҳам аралашмайдилар. Ўзидан бошқага тобеъ бўлишни оғир оладилар. Бу кибр ва ўзини катта тутишдан келиб чиқади. Улар фалончининг даражаси пистончидан паст экан, деган гапни эшитишдан кўра ҳаракатни тўхтатиб қўя қолишни афзал биладилар.

* Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

"*Бир пода қўй ичига қўйиб юборилган икки оч бўрининг шу подага етказадиган зиёнидан кўра мол-дунё ва шарафга ўч бўлишининг киши динига келтирадиган зарари каттароқдир*".

"Муснади Аҳмад", 15224-ҳадис, «Сунани Термизий», 2298-ҳадис.

* Фузайл ибн Иёз айтадилар:

— *Раҳбарликни хуши кўрган киши бошқалардан ўзи ажралиб туриши учун ўзгаларнинг айб-камчиликлари фоши бўлишидан қувонади. Ҳузурида бошқа биронни мақтаб тилга олиннишини истамайди. Бунчалик риёсатга ошиқ бўлган кимсадан яхшилик кутмасанг ҳам бўлаверади!*

Мұхаммад Рошид, «ал-авоиқ», 88-бет.

* Убайдуллох ибн Ҳасан суннатта хилоф әътиқодидан қайтгач, у кишига:

- Сиз әнді илгари әгаллаган юқори мақомингизда бүлолмайсиз! – дейшиди.
- Ботил ишида бош бүлгүнча, ҳақ ишида дум бўлганим яхшироқ! – деб жавоб берди у.

23. Дунёвий ташвишларга кўмилиш

Уй қуриш, катта-катта ишларга қўл уриш каби кишининг йиллаб вақтини оладиган дунёвий ташвишлар инсоннинг бутун хаёлини, вақтини банд этиб, уни даъват ишидан, охират ғамини ейишдан чалғитиб кўяди. Ундаи одамнинг хиссиётлари ҳам сўниб қолади, даъват билан ҳамнафаслиги қолмайди, кўпгина услублар ва фикрларни унугтади. Ишлар, вазиятлар эса тўхтамасдан янгиланиб туради. Бир маҳал қараса, бу киши анча орқада қолиб кетган бўлади. Шундан кейин сояда, нурдан узокроқда ёлғизликда яшашни афзал кўриб қолади.

* Аслам Абу Имрон ривоят қилади:

– Биз Рум ерларида газотда эдик. Румликларнинг катта кўшини сафга тизилишиди. Биз ҳам ўшанча ёхуд ундан-да кўпроқ кўшин билан қарши чиқдик. Мисрликларга Уқба ибн Омир, бутун лашкарга эса Фузола ибн Убайд амирлик қиларди. Шундай пайт мусулмонлар орасидан бир киши ажralиб чиқиб румликларга ташланди ва уларнинг сафлари орасига кириб кетди. Одамлар қичқириб юборшиди:

– Субҳоналлоҳ! – дейшиди улар, – ўзини ўзи ҳалокатга ташлади-я! Аллоҳ «ўзингизни ўзингиз ҳалокатга ташламангиз», – деган.

Абу Айюб Ансорий гап бошлиди:

– Эй одамлар! Сизлар бу оятни ҳали шунақа таъвил қиласизларми? Ушбу оят биз – ансорлар жамоаси хусусида нозил бўлган. Аллоҳ таоло Исломни азиз қилиб, унинг ёрдамчилари кўпайгач, биз Росулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васалламга билдирилмасдан ўзаро шундай гап қилдик:

– Мол-давлатимиз йўқ бўлиб кетди. Мана Аллоҳ таоло Исломни азиз этди, унинг ёрдамчилари кўпайди. Энди биз ҳам мол-давлат билан машгул бўлсак, зое бўлган молларимизни

үнглаб олардик.

Ана шунда Аллоҳ таоло бизнинг фикримизни рад этиб, Ресулуллоҳ соллаллоҳу алаиху васалламга:

وَأَنْفَقُوا فِي سِيلٍ أَلَّهُ وَلَا تُلْقُوا بِأَيْدِيهِمْ إِلَى الْهَلْكَةِ

"Аллоҳ иўлида инфоқ-эҳсон қилингиз ва ўзингизни ўзингиз ҳалокатга ташламангиз!", ("Бақара" сураси, 185) оятини нозил қилди. Ҳалокат – бу мол-мулк билан ўралашиб қолиб жиҳодни тарқ қилишимиз экан.

Абу Аюб Ансорий Аллоҳ иўлида астойдил жиҳод қилиб ўтди. У Рум ерларига дағн этилди. Имом Термизий, 2898-ҳадис.

24. Ўткинчи вазиятлар, қийинчиликлар сабабли диний ҳаракатдан тўхтаб қолиш

Баъзилар юрга келган ғаму ғурбатлар тарқашини кутиб туришни афзал билади. Ҳали ҳеч ким ялқовлик, уйқу ёки ҳаракатсизлик билан бошига тўплангандан булатларини тарқатиб юбора олган эмаслигини эсдан чиқаради. Исломнинг аввалида бўлган ғурбат қандай килиб даф этилган эди? Абу Бакр, Умар ва бошқа саҳобалар ғурбат даф бўлишини кутиб ўтирганимидилар ёки куч ва ғайрат билан оёққа туриб ғам-кулфатларни аритганимидилар?!

* Шайхул Ислом Ибн Таймийя ёзадилар:

– Кўпчилик бир мункарни қўрса ёхуд Исломий ҳолатларнинг ўзгариб кетганига гувоҳ бўлса, заифлашиб, титраб-қалтираб қолади. Бамисоли бошига мусибатлар ёғилгандай уввос тортади. Аслида бундай хатти-ҳаракат динда қайтарилган. Мўмин сабр-тоқатга, таваккулга ва динда собит туришига буюрилган. У Аллоҳ таоло тақвадор бандалар билан биргалиги ва оқибат тақво эгалариники бўлишига иймон келтирсин. Унинг бошига ёгилаётган мусибатларга ўзининг гуноҳлари сабаб. Бас, сабр қўлсин. Аллоҳнинг ваъдаси ростдор. Гуноҳларига истиғфор айтсин. Эртаю кеч Аллоҳ таолони поклаб ҳамду тасбеҳлар ўқисин.

Дин гариб бўлиб бошланди, аста-секин кучайиб азиз бўлди. Худди шундай Ислом баъзи пайтларда ва айрим жойларда заифлашиши мумкин, лекин бир оз вақт ўтгач у аста-секин албатта яна кучга киради. Масалан, Умар ибн Абдулазиз

халифа бўлганларида қўпчилик Исломдан анча бегоналашиб қолганди. Ҳатто мусулмонлар орасида ароқнинг ҳаромлигини билмайдиган одамлар бор эди. Бироқ оз вақт ичида Аллоҳ таоло Умар ибн Абдулазиз орқали Исломнинг гариб бўлиб қолган жиҳатларини яна азиз этди.

«Фатволар тўплами», 18-жузъ, 295-297-бетлар.

Кулфатлар йўқолишини кутиб ўтирган биродар билмайдики, бу тўхташ билан у қуийга қараб кетади ва иймони заифлашиб бораверади. «Банда доимо кетаётган бўлади. У ҳеч қачон тўхтаб турган бўлмайди. У ё юқорига ёки қуийга ё олдинга ёки орқага қараб кетади», деб ёзадилар Ибн Қойим раҳимаҳуллоҳ.

На табиатда ва на шариатда мутлақо тўхтаб қолиш, деган тушунча йўқ. Биз чиккан карвон жаннат ёки дўзах сари шитоб билан яқинлашиб бормоқда. Охират йўлида кимдир тез, кимдир секин ва яна кимдир кеч қолиб одим ташляяпти. Бу йўлда юрмасдан ўтириб олган бирон тирик жон йўқ.

Дунёга келдикми, харакат қилишга мажбурмиз. Дунёдаги ҳамма йўллар ё жаннат ва ё дўзахга олиб боради. Гуноҳ-маъсиятлар билан ўралашиб қолган кимса, албатта, солиҳ амалларга кеч қолади...

25. Мансаб-мартабани қизғаниш

Баъзи бировлар эгаллаб турган курсилари ва обрў-эътиборларидан ажralиб қолишдан кўрқиб, хайрли амаллардан ўзларини четга тортадилар. Улар шайтон васвасасига учиб бутун диккат-эътиборларини факат мансаб-мартабаларини мустаҳкамлашга йўналтиришади. Шайтон бу ҳаракатларини унга жуда тўғри тадбир, деб кўрсатади.

* Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

«Ҳақни кўрсангиз ёки унинг гувоҳи бўлсангиз, одамлардан қўрқиши, деган нарса сизларни тўғри сўзни айтишидан тўсмасин. Зоро, ҳақни айтишингиз ёки катта бир хатони эслатишингиз на ажални яқинлаштиради ва на ризқни узоқлаштира олади!»

«Муснади Аҳмад», 11048-ҳадис.

26. Фитналар пайтида шайтон васвасасига дучор бўлиш

Яна кимдир қийинчилик пайтида ўз-ўзини ҳисоб-китоб қила бошлайди. Бироқ у ўз камчиликларини тузатиш, амалларидаги

заиф нуқталарни ислоҳ қилиш, хүшёргири ва ҳаракатчанлигини ошириш учун эмас, балки ҳеч бир далил-хужжатсиз ўзининг ахволидан ўзини қаноатлантириш учун шу ишни қилади. Фитналарни кўравериб кўзлари пишиб кетган Ҳузайфа розияллоҳу анҳу шундан қўрқар әдилар.

* *Абу Масъуд Ансорий розияллоҳу анҳу Ҳузайфа розияллоҳу анҳуга дедилар:*

– *Менга панд-насиҳат қилинг!*

– *Ҳақиқий залолат – доим ёмон, деб билган ишингизни охири яхши деб, яхши деб билган ишингизни эса ёмон, деб айтмогингиздир! Динда турланишидан эҳтиёт бўлинг! Зеро, Аллоҳнинг дини битта!* «Ал-иноба», 1-жузъ, 189-190-бетлар.

Адий ибн Ҳотам розияллоҳу анҳу айтадилар:

– *Токи кеча яхши, деб билган ишингизни бугун ёмон, ёмонини эса яхши, деб турланмас экансиз ва модомики олимларингиз орангизда бемалол қўрқмасдан гапирап эканлар, хайр-яхшиликдан маҳрум бўлмайсизлар.*

«Ал-иноба», 1-жузъ, 190-191-бетлар.

* *Иброҳим Нахаъий айтадилар:*

– *Одамлар динда турланишини Аллоҳ хусусида шак-шуубҳага боришидан, деб биладилар.*

Имом Молик айтадилар:

– *Динда турланиши бедаво дарддир.*

27. "Дин йўлида кўп ҳаракат қилиб чарчадим?!"

Яна кимгадир қулоқ солсанг, гўёки дин йўлида жонини Жабборга бериб ҳаракат қилган, охири чарчаб ҳолдан тойган бўлиб чиқади. Бироқ у неча ўн йил қийинчилик тортган экан, буни билмаймиз. Бу инсон салафи солиҳлар ҳаётига бир назар ташласа бўларди.

Нух алайҳис-салом ўз қавмини 950 йил даъват қилдилар. Мушрикларнинг барча озор-азиятларига, масхара-хўрлашларига сабр билан жавоб бердилар.

* Ибн Қойим ёзадилар:

– *Аллоҳ таоло ҳузурида ва охиратда мартабаси ортишини истаган кишилар ҳам, шунингдек ҳар қандай илм, ҳунар, саноат ёки риёсат талабгорлари ҳам ўз соҳалари ва мақсадлари йўлида бошқаларга ўрнак бўлмоқ учун қуийдаги сифатларни ўзларида*

жамламоқлари лозим:

- *Жасурлик;*
- *Ваҳима-гумонларга берилмаслик;*
- *Хаёлпарат бўлмаслик;*
- *Ўз ишига астойдил берилиши ва бошқа нарсаларга чалгиб қолмаслик;*
- *Ўзи интилаётган нарсасининг ошиги бўлиши;*
- *Мақсадга олиб борувчи воситалардан боҳабар бўлмоқ;*
- *Мақсаддан буриб юборувчи йўлларни ҳам таниб олмоқ;*
- *Ғайратли ва сабр-тоқатли бўлмоқ;*
- *Маломатчининг маломати ва бирорларнинг гап-сўзларидан таъсиранмаслик;*
- *Доимий фикр юритадиган, оғир-вазмин бўлиши;*
- *Мақтov лаззатлари ва мазаммат азоблари таъсирига тушиб қолмаслик;*
- *Ўзига керакли воситаларни ўзи топа билиши;*
- *Кутимаган фавқулодда вазиятларда саросимага тушиб қолмаслик;*
- *Шиори сабр, ороми эса қийинчиликлар бўлиши.*

«Ал-фавоид», 19-бет.

* Ибн Мункадир айтади:

– Нафсимни ўнглагунча қирқ йил заҳмат чекдим.

* Шайхул Ислом Собит Банноний айтадилар:

– Ўзимни намозга ўргатгунимча йигирма йил қийналдим, кейин эса йигирма йил намоздан роҳат олдим.

* Мансур ибн Иброҳим айтади:

– Бир киши Рабиъ ибн Хусайн ҳақида: "Мен йигирма йил давомида ундан факат хайрли гап эшийтдим", деб айтди.

* Имом Молик айтадилар:

– Бизнинг давримизда Зайд ибн Собитдан сўнг халқнинг раҳнамоси Абдуллоҳ ибн Умар эди. У киши олтмиш йил давомида одамларга фатво бериб турдилар.

* Рабиъ ибн Язид айтади:

– Қирқ йилдан бўён, бетоб ёки мусоғир бўлган пайтларимни хисобга олмагандан, муаззин пешин намозига аzon айтганида мен масжиdda ўтирган бўламан.

* Улуғ муҳаддис Бишр ибн Ҳасан Басра масжида эллик йил

мобайнида биринчи сафда туриб намоз ўқигани боис "Саффий", деб номланган.

* Касир ибн Убайд Химс аҳлига роппа-роса олтмиш йил имомлик қилганига қарамасдан, бирон марта намозда сахв қилмаганлиги сабабини сўрашганида у:

– Ҳар гал масжид эшигидан кириб келганимда қалбимда Аллоҳдан ўзга ҳеч нарса бўлмасди! – деб жавоб берди.

* Ибн Қоййим айтадилар:

– *Эй субутсиз инсон! Сен қаерда-ю, бу улуг Йўл қайдা? Бу йўлда Одам алайҳис-салом қанча захматлар чекди, Нух алайҳис-салом мана шу йўлни, деб қанча қўз ёши тўкди, Иброҳим халиуллоҳ оловга улоқтирилди, И smoил алайҳис-салом жонини қурбон қилишга тайёр бўлиб пичоққа бўйин тутди, Юсуф алайҳис-салом арзимас баҳога кул қилиб сотилди ва неча йиллар зинданда ётди, бу йўлда Закариё алайҳис-салом арраланиб ўлдирилди, покиза зот Яхё алайҳис-салом сўйилди, Айюб алайҳис-салом қанча ранж-алам чекди, Ёқуб алайҳис-салом зиёда қўз ёши оқизди, шу йўлни ийсор этгани боис Ийсо алайҳис-салом уй-жой нималигини билмай тогу биёбонларда яшади, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи вассаллам фақирик ва бошқа турли азиятларни бошидан кечирди! Сен эса фақат ўйин-кулгидан бошқани билмайсан!?*

«Ал-фавоид», 56-бет.

28. «Алҳамдулилаҳ, мен ҳам яхши одамлар қаторидаман. Гуноҳ қилаётганим йўқ, динимга амал қилиб юрибман, ҳамма одам даъватчи бўлавермайди-ку!»

Ибн Қоййим бу ҳақда айтадилар:

– *Дин очик-оидин ҳаром ишлардан тийилишининг ўзигина эмас. Дин ҳар бир мўмин Аллоҳ таолога маҳбуб амалларни адо этиши билан барпо бўлади. Кўпчилик мусулмонлар одатда ҳамма қиласиган амаллар билан кифояланадилар, холос. Жиход, амри маъруф, нахи мункар, Аллоҳга, Унинг Росулига ва мўминларга хизмат қилиши, Аллоҳга, Пайгамбарга, Исломга ва Қуръонга нусрат-ёрдам берииш, деган воҗиботларни эса бајарииш бир ёқда турсин, хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Ҳақиқатда эса кимда-ким ушибу воҗиботларни тарк этса, ҳатто бутун дунёдан воз кечиб зоҳид бўлган тақдирда ҳам, дини заиф ва*

Аллоҳга суюксиз кимсалар қаторидан жой олади.

Аллоҳ таоло учун қуийб-ёнмайдиган, ҳаром ишларни қўргандан газаблари қайнамайдиган ва дин нусрати учун ўзини фидо этмайдиган бундай зоҳидлардан гуноҳи кабира эгалари Аллоҳ наздида яхшироқ аҳволда бўлса ажабомас.

«Уддатус-собирийн», 56-бет.

Аллоҳ таоло айтади:

عَلَيْكُمْ أَنفُسُكُمْ لَا يَضُرُّكُمْ مَنْ ضَلَّ إِذَا آهَتَدَيْتُمْ

«...Ўзларингизга эътибор беринглар, агар ўзларингиз хидоят топсангизлар, залолатта кетганлар сизларга зарар етказа олмайди...».

“Моида” сураси, 105-оятдан.

* Ибн Таймийя ёзадилар:

– Ҳидоят қачонки Аллоҳга итоат қилинса, амру маъруф, наҳи мункар ва бошиқа қатор ибодатлардан иборат вожиботлар амалга оширилса, шундагина мукаммал бўлади. Бу оятда бир қанча муҳим нуқталар бор.

Биринчи. Мўмин одам кофирлар ва мунофиқлардан кўрқмаслиги керак. Агар унинг ўзи ҳидоят топган бўлса, улар унга ҳеч қачон зарар етказа олмайдилар.

Иккинчи. Улардан хафа бўлмаслиги, уларнинг қилмишларидан жазавага тушмаслиги керак. Чунки уларнинг гуноҳлари бу мўминга, агар ҳидоятда бўлса, ҳеч зарари йўқдир. Зарари тегмайдиган нарсага хафа бўлиши эса – беҳуда иш. Мана шу икки маъно Аллоҳ таолонинг:

وَأَصْبِرْ وَمَا صَبَرْكَ إِلَّا بِاللَّهِ وَلَا تَحْزُنْ عَلَيْهِمْ وَلَا تَكُنْ فِي ضَيْقٍ مِّمَّا



يَمْكُرُونَ

«Сабр қилинг, сабрингиз фақат Аллоҳ мадади биландир. Уларнинг ишларидан хафа бўлманг, улар қилаётган макр-ҳийлалардан ҳам юрагингиз сиқилмасин», (“Наҳл” сураси, 127-оят) сўзларида ҳам ифодаланган.

Учинчи. Мўмин одам улар томонга мойил бўлиб қолмаслиги, уларга берилган ҳукмронлик, мол ва айишишратларга маҳлиё бўлмаслиги лозим.

Тўртинчи. Маъсият аҳлига нисбатан муомалада шариат

белгилаган меъёрдан ташқари чиқиб, зулм қилишига ўтиб кетиши керак эмас. Уларни ёмон кўриши, қоралаши, ёмонликдан қайтарши ёки улардан алоқани узиши ё эса уларга жазо беришида ҳаддан ошмаслик даркор. Кимки бунга амал қилмайдиган бўлса, унга «ўзингни билгин, агар сен ўзинг тўғри йўлда бўлсанг, адаиган одамнинг сенга ҳеч бир зарари йўқдир», деб айтиласди. Чунки қўпинча амри маъруф, наҳи мункар қилувчилар ё илмсизлик билан ё эса зулм билан Аллоҳнинг чегараларини бузадилар. Хоҳ кофиру мунофиқлар, хоҳ фосику осийлар бўлсин, кимни даъват қилинаётган бўлишидан қатъи назар, бу масалага жисиддий диққат-эътибор билан қаралиши вожибdir...

Бешинчи. Амри маъруф ва наҳи мункар шариатга мувофиқ равшида илм, мулойимлик, сабр, яхши ният ва ўрта йўлни тутмаган ҳолда олиб борилиши керак. Чунки бу ишлар Аллоҳнинг «ўзларингизни билинглар», деган сўзи ва «агар ўзинглар тўғри йўлда бўлсанглар», деган кўрсатмаларидан келиб чиқади. Бу ишларнинг муқобилида бошқа бир тоифа кишиларнинг камчилиги ҳам бор. Улар буюрилган ҳақ ишларни бажармай ташлаб қўядилар. Ёки аниқроги, бу нарсаларнинг ҳаммасига тегишли бўлган ишга, яъни, амри маъруф, наҳи мункарга аҳамият бермайдилар. Бу ўринда баъзи салафларнинг мана бу сўзлари ниҳоятда тўғри айтилгандир: “Аллоҳ қандай бир ишини буюрган бўлмасин, бунга шайтон икки хил йўл билан тўсқинлик қиласди. Қайсиниси билан галаба қозониш унинг учун муҳим эмас. У икки йўлдан бири – динда ҳаддан ошиш, иккинчиси – буйруқларни ташлаб қўйши”.

«Фатволар тўплами», 14-жузъ, 480-483-бетлар.

29. Ҳамма диққат-эътиборни, даъватни жамиятнинг фақат муайян бир қатламига қаратиш

Бундай йўл тутган инсон жамият ичидан алоҳида бир тоифани танлаб олиб даъват қилинса, қолган ишлар ўз-ўзидан битиб кетади, деб ўйлади. Шу фикрга асосланган ҳолда фақат ўшалар билан ҳамкорликда иш олиб боради ва муваффақиятсизликка дучор бўлади. Кейин тушкунлик ва умидсизликка тушиб қолади. Динимиз фақат бир гурӯҳ одамлар ёки маълум бир табака учун хослаб қўйилмагани ҳақида ўйлаб кўрмайди.

Қайси бир даъват харакати агар ўз ишида жамиятнинг биронта табақасини эътиборсиз қолдирар экан, у нокисидир ва оқибати албатта натижасиздир. Ислом даъвати жамиятнинг ҳамма табақаларини ўз ичига қамраб олиши, мавжуд барча кучларни харакатга келтириши билан танилгандир. Жамиятда эътибордан четда қолдириладиган, четга суриб қўйиладиган ёки аксинча, унга суяниб қолинадиган биронта унсур йўқ. Диннинг мукаммаллиги ва бутун оламнинг дини эканлигининг аломати шуки, у ҳаммага баробар хитоб қиласи ва умматнинг ҳар бир вакили зиммасига ўзига яраша вазифа юклайди. Бу ерда ташки кўриниш, ҳайбат ва шаклнинг аҳамияти йўқ.

* Хориса ибн Ваҳб айтдилар: Росулulloҳ соллаллоҳу алайхи васалламдан шундай деяётганларини эшитдим:

«Сизларга жаннат аҳли ҳақида хабар берайми? У ҳар бир заиф, эътиборсиз аммо агар Аллоҳга қасам ичадиган бўлса, Аллоҳ унинг қасамини оқлайдиган одамдир. Сизларга дўзах аҳли ҳақида хабар берайми? У ҳар бир қўпол, кеккайган, мутакаббир кимсадир».

“Саҳиҳ Бухорий”, 4537-ҳадис, “Саҳиҳ Муслим”, 5092--ҳадис.

* Шотибий айтадилар:

Фарзи кифоя, баъзи одамлардан соқим бўлиши эҳтимоли билан ҳамманинг устидаги вожибодир. Чунки бу фарз омма манфаати учун амалга оширилади. Шунинг учун бу каби фарзларни бажо қилиши вазифаси умумий равишда ҳаммадан талаоб қилинади. Улардан баъзи кишилар шу ишга бевосита қодир бўладилар. Ана ўша лаёқатли одамлардан бу ишни бажариши тўғридан-тўғри талаоб қилинади. Бошқалар эса шу фарзни бажаришига ўзлари қодир бўлмасалар-да, қодир бўлган кишиларни топиб, шу ишга ўйлашга қодирдирлар. Шу ишга қодир бўлмаган кишидан талаоб қилинадиган нарса қодир бўлган инсонни оёқка тургазиб, ўша ишни мажбуран бўлса ҳам қилдиришидир. Демак, қодирдан ўша фарзни бажариши талаоб қилинади, қодир эмас инсондан эса қодир кишини олдинга ўтказиши, шу ишга сафабар қилиши талаоб қилинади. Чунки қодирнинг бу фарзни бажаришига фақат уни оёқка тургазиши билангина эришилади. Бу вожибни амалга ошириши учун мавжуд бўлиши зарур бўлган воситани вужудга келтириши ҳам вожибодир, деган қоидага биноандир.

«Ал-мувофақот», 1-жузъ, 178-179-бетлар.

30. Фасод – бузғунчиликнинг кўплиги ва ёмонликнинг авж олганини кўриб, одамлардан узок бўлиш, узлатга чекинишни афзал билиш

Халқдан ўзини четга олиш, машаққатларни тарк этиш қандай хам осон иш-а! Бизга кўфалик буюк тобеъин, ажойиб фақих, Омир аш-Шаъбий шундай ҳикоя қиласидилар:

Бир гурух одамлар Кўфадан ташқарига чиқдилар-да, яқин орадаги бир жойга тушиб ибодат қила бошладилар. Бу хабар Абдуллоҳ ибн Масъуднинг қулоқларига етди. Шундан кейин у киши бу одамларнинг олдиларига келдилар. Буни кўриб улар ниҳоятда хурсанд бўлиб кетишиди. Абдуллоҳ уларга дедилар:

- Сизларни бундай иши қилишига нима мажсбур этди?*
- Биз оломоннинг гала-говуридан хотиржамроқ ибодат қилишини хоҳлаймиз, – дейшиди улар. Абдуллоҳ дедилар:*
- Агар ҳамма сизларга ўхшаб мана шунаقا иши қиласидиган бўлса, душманга қарши ким курашади? Сизлар орқангизга қайтмагунингизча мен мана шу турган еримда туравераман!*

* Ибн Жавзий айтадилар:

«Дарҳақиқат, «зоҳидлар» кўришапалакларга ўхшайдилар. Улар одамлардан узлатга чекиниб, ўзларини ўзлари дафи қилганлар. Бу иши агар яхшиликдан тўсмаса, масалан, жамоатдан, жанозага иштирок этишдан, касални зиёрат қилишидан манъ этмаса яхши ҳолат. Бироқ, бу кўрқоқ одамларнинг ҳолатидир. Жасур кишилар эса ўрганадилар ва ўргатадилар. Бу пайгамбарлар алайҳимус саломларнинг мақомлариdir».

«Дин – узлат», дедилар, мисоли роҳиб,

«Бўлсанг бас, дуюю зикрга соҳиб».

Диннинг бир қисмига келтириб иймон,

Ажабким, бир қисмин кўрурлар ёмон.

Дин асли фарзу нафл, тавба, истиғфор,

Ҳақдан неки бўлса, бунда ўрин бор.

Дин – қудрат, матонат, маърака, майдон!

Даф бўлур ёмонлик, қувилур шайтон!

Дин – Роббинг номила ҳукм юритмоқ.

Ўрнатиб адолат, зулмни қуритмоқ!

Хотима

Аллоҳга ҳамду сано, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга салоту саломлар бўлсин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб умид билдирамизки, шояд ҳаммамиз Аллоҳнинг йўлидаги даъват ва амри маъруф, нахи мункар ишининг аҳамиятини тушуниб етсак. Турли хил қатлам ва табақалари, барча идора ва ташкилотлари билан бир бутун ҳолда тасаввур қилинадиган жамият ичида Аллоҳ ризолиги учун сабр ва чидам билан иш олиб боришнинг зарурлигини тўлиқ англасак, зора.

Ҳар бир инсон ўз имконияти даражасида ҳаракат қилмоғи лозим. Дин учун қайғуриш, меҳнат қилиш жамиятнинг ҳар бир аъзоси устидаги масъулиятдир. Мусулмонман, деган ҳар қандай одам учун умумий суратда, даъватчи ва толиби илм учун эса хос равишида Ислом хизмати йўлида ҳисса қўшиш, унга даъват қилиш, ўз эътиқодини ҳимоя қилиш вожибdir.

Ҳар бир мусулмон яхши билмоғи керакки, бу дунё ҳаётида у ё яхшилик ва иймон сари юксакликка кўтарилиб боради. Ё эса гуноҳ ва нуқсон томон пастлаб боради. Бир ерда тўхтаб қолиш ёки дам олиш бўлмайди. Ҳар бир киши ўзини ўзи текшириб, ҳисоб-китоб килсин. Ўзи билмаган ҳолда тубанлик жарига думалаб бораётган бўлмасин.

Эй, аҳли илм ва аҳли даъват биродарлар! Аллоҳдан қўрқайлик! Аллоҳдан қўрқайлик! Ботил аҳли ва фисқ-фасод тарқатувчилар сизларга ғолиб келиб қолмасин. Агар сизлар паст келсангизлар ёки ялқовлик қилсангизлар, албатта фисқ аҳли сизлардан устун бўладилар. Ҳатто аҳли оиласигиз ва авлодларингизни ҳам мағлуб этадилар.

وَلَا تَهْنُوا فِي أَبْتِغَاءِ الْقَوْمِ إِن تَكُونُوا تَالَّمُونَ فَإِنَّهُمْ يَأْلَمُونَ كَمَا تَالَّمُونَ وَتَرْجُونَ مِنَ اللَّهِ مَا لَا يَرْجُونَ

«Бу қавмни қидиришда сусткашлик қилманглар. Агар сизлар азоб тортаётган бўлсангизлар, улар ҳам худди сизлар азоб тортаётгандек азоб тортмоқдалар. Сизлар эса Аллоҳдан улар умид қилмайдиган нарсаларни умид қилаяпсизлар...».

«Нисо» сураси, 104-оятдан.

Демак, қийинчилик ва машақат тортишда мусулмонлар душманлардан фарқ килмаганлари ҳолда, иймон жиҳатидан улардан фарқли ўлароқ, Аллоҳдан савоб ва ғалаба умид қиласилар. Шундай экан, мусулмонлар ракиблардан кўра кўпроқ ва қаттиқроқ харакат қилишга лойиқдирлар.

Эй, азиз биродар! Карагин, яхшилиқдан нимани қўлга киритдингу, қайси мусибатларинг эвазига савоб умид қилиб турибсан? Анбиё ва мурсал алайхимус-саломлар бош бўлган карвонга қўшган ҳиссанг нимадан иборат? Ҳолбуки, улар жаннатга етиб бўлдилар. Сен қандай қилиб улардан ажраб қолишга ва амалларни чала ташлаб, уларнинг йўлларидан бепарволик билан узоклашиб кетишга рози бўласан?

Эй биродар! Аллоҳ сенга яхшиликлар насиб этсин. Аллоҳ йўлига даъват, амри маъруф, нахи мункар ҳамманинг зиммасидаги вожиб ва ҳар бир инсон учун фарздири. Аллоҳнинг китобидан бир оят ўрганган кишининг устида уни бошқага ўргатиш ҳаққи ётади. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларидан битта ҳадис ўқиган одамга ўша ҳадисни ўзгаларга етказиш вожиб бўлади. Дин бобида бирор бир масалани тушунган инсон уни шу масаладан фойда оладиганларга етказиши лозим.

Бугун даъват йўллари ва воситалари ниҳоятда кўпайган. Сенинг улушинг шулардан қайси бирига тўғри келмоқда? Нима учун кўпчилик масжидлар ўзининг обод қилувчилари камлигидан йифламоқда? Нима учун у даргоҳларнинг кўпчилиги ваъзу иршодлардан бўшаб қолган? Шаҳару қишлоқлар жаҳолату бесаводликдан шикоят қилмоқда, одамларга яхшилик ўргатувчи муаллимларни кутиб инграмоқда! Аксарият рўзнома ва журналлар Аллоҳ учун хужжат қоим қилиб мақолалар ёзадиган қаламкашлардан холи қолаётир!

Аллоҳ таоло йўлига даъват қилиш маълум тоифа одамлар эгаллаб оладиган кичкина бир соҳа эмас. Уни алоҳида, чекланган мавсум ва муносабатларга хослаб ҳам бўлмайди. У бундай тушунчалардан юксак ва буюкдир. Даъват тиловат қилинадиган оят, ривоят қилинадиган ҳадис, ўқитиладиган дарс, ёзиладиган китоб, ўқиладиган маъруза ва таъсирли ваъздири. У нашр этиладиган журнал, тарқатиладиган кассета, холис етказиладиган насиҳат, ёд олинадиган зикр, ҳалолдан топиб, эҳсон қилинадиган мол ҳамда ўргатиладиган фойдали илмдир. У амри маъруф, нахи

мункар, силаи раҳм, одамларга эзгулик, қўшиларга яхшилик килиш, фақиру мискинларни йўклашдир.

Демак, шошилинг, шошилинг! Мусобақа, мусобақа!... Яхшилик ва ҳақикат йўлида белллашув!...

* Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қиласидиларки, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

«Амал қилиб қолишга шошилинглар. Ҳали зулматли тун парчаси каби фитналар бошланади. Шунда инсон мўмин ҳолда тонг оттириб, коғир ҳолда кунни кеч қиласди. Ё эса кечкурун мўмин ҳолда бўлиб, коғир ҳолда тонг оттиради. Динини дунё матосига сотади».

Имом Муслим ривояти.

Аллоҳ таолодан Унинг гўзал исмлари, олий сифатлари билан ёлбориб, Ўзининг динига нусрат беришини, бизни шу динга ёрдам берувчилардан қилишини, Ўз калимасини олий қилишини сўрайман. Ундан бу уммат учун тоат аҳлини иззат-икром қиласидиган, маъсият аҳлига хорлик келтирадиган, фақат яхшилик тарғиб килинадиган, ёмонлик дарҳол рад этиладиган покиза муҳит насиб этишини илтижо қиласман. Пайғамбаримиз Мухаммадга Аллоҳнинг дуюо саломлари бўлсин.

